

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**“ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК” ФАКУЛЬТЕТИ**

**“МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва
мамлакатшунослиги” кафедраси**

**“ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МИНТАҚАШУНОСЛИК” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ
ТАЛАБАЛАРИНИНГ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент - 2010

1. КИРИШ

Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида Низом»га (ОЎМТВининг 1998 йил 30 октябр 305-сонли буйруқ билан тасдиқланган) мувофиқ 5341000 – «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (минтақалар бўйича)» таълим йўналиши Давлат таълим стандарти асосида тузилди.

Бугунги кунда республика таълим тизимини замон талаблари асосида тубдан ислоҳ қилиш орқали унинг самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Республикамизда шаклланиб бораётган бозор иқтисодиёти талабларига мос мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат таълим стандартлари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар иқтисодиётига оид билимлар мажмуасини ўзлаштириш, назарий ва амалий машғулотлар муштараклиги асосида малака ҳамда кўникмаларни мукамал шакллантиришда малакавий амалиёт алоҳида ўрин тутди.

5341000 – «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (минтақалар бўйича)» таълим йўналиши бўйича 4-курс талабаларининг битирув олди малакавий амалиётини тўғри ташкил қилиш жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб, алоҳида олинган мамлакатларда юз бераётган воқеа ва

ходисаларнинг бошқа мамлакатларга таъсири кучайиб бораётган бугунги кунда бўлажак ёш мутахассисларни ўзгарувчан бозор муҳитига тайёрлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

5341000 – «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (минтақалар бўйича)» таълим йўналишида талабаларининг малакавий амалиёти 4-курсада, умумий малакавий амалиёт даври – 6 ҳафта (36 кун) бўлади. Мазкур таълим йўналишининг намунавий ўқув режасига биноан малакавий амалиёт учун ажратилган 6 ҳафта давомида жами 324 соат, яъни ҳафтасига 54 соатдан амалиёт ташкил этилиши керак. Бунда ҳафтасига 6 кун, ҳар бир кунда 6 соатдан амалиёт машқлари, қолган 3 соатида талаба ўз мустақил фаолиятини режалаштириши талаб этилади. Талаба малакавий амалиётини ташкил этиш бўйича календарь режасига мувофиқ ҳар бир мавзу ва ундаги топшириқларга ажратилган соатлар амалиёт учун институтдаги малакавий амалиёт раҳбари томонидан аниқланиши ва кафедра мудирини томонидан маъқулланиши мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ислохотлар хорижий мамлакатлар иқтисодиётини ўрганиш ва жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида тўпланган ижобий тажрибаларни республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шу сабабли ҳар тарафлама етук ва

чукур билимли, ўрганилаётган мамлакатлар тилидаги иқтисодий манбаларни таҳлил қила оладиган иқтисодчиларни тайёрлаш олий таълим олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мазкур мақсадга эришишда ўқув жараёнини тубдан такомиллаштириш билан бирга битирув малакавий амалиётини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки у назария билан амалиёт бирлигини, уларнинг ўзаро узвий алоқадорлигини таъминлашнинг муҳим омилдир. Шу нуқтаи назардан битирув олди малакавий амалиётини замон талабларига мос равишда, илмий жиҳатдан пухта ташкил этиш ўқув жараёнини такомиллаштириш соҳасидаги муҳим йўналиш ҳисобланади.

Малакавий амалиёт давомида талабалар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар фаолияти, хорижий Шарқ мамлакатларида кечаётган ижтимоий-иқтисодий воқеа ва ҳодисалар, шунингдек, жаҳон товар ва хизматлар бозорида юз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан танишадилар. Хорижий Шарқ мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид маълумотларни таҳлил қилиш асосида талабалар бу мамлакатларда эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳали ечилмаган ижтимоий-иқтисодий муаммолар мавжудлигини англай олишлари керак. Айни вақтда республикамизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш, уларни хорижий мамлакатлар билан таққослай олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 5341000 – «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (минтақалар

бўйича)» таълим йўналиши бўйича бакалаврият босқичи учун қўйилган Давлат стандарти талаблари ва Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган ўқув режаларига биноан тузилди. Шу билан бирга Президентимиз И.Каримов томонидан мутахассис кадрлар тайёрлаш ишини тубдан қайта қуриш, шу жумладан, олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш ишини жадаллаштириш борасида қўйилган вазифалар ҳисобга олинди.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Битирув олди амалиёти бакалаврларни тайёрлашда асосий амалиёт тури бўлиб, амалдаги ўқув режаларига мувофиқ тарзда ташкил этилади. У ўқув жараёнининг узвий давоми бўлиб, бевосита ишлаб чиқариш шароитларида ўтказилади ҳамда назария билан амалиёт бирлигини таъминловчи муҳим босқич ҳисобланади.

Ушбу амалиётнинг асосий мақсади – олий ўқув юртида ўқиш давомида талабалар олган назарий билимларни республикамиз корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида олиб борилаётган амалий фаолият билан бойитиш, мустаҳкамлаш ва уйғунлаштиришдан иборат.

Ушбу амалиёт хорижий мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденциялари, унга таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида уларнинг ижобий тажрибаларини республикамиз иқтисодиётига қўллаш бўйича хулосалар чиқариш кўникмасига эга бўлган бакалавр даражасидаги мутахассисларни

тайёрлаш жараёнини якунлайди. Битирув олди амалиётини ўташга фанлар бўйича назарий курсни тўла тинглаган ва ўқув режасида кўрсатилган барча имтиҳонларни муваффақиятли топширган, синовлардан ўтган, курс ишларини бажарган, танишув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтган ва ҳисоботларни ҳимоя қилган талабалар қўйилади.

Битирув олди амалиётининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Хорижий мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда молиявий-иқтисодий фаолиятнинг ташкил этилишига оид назарий билимларни амалиёт ўтаётган корхона ва ташкилотлардаги амалий ишларни ўрганиш орқали мустаҳкамлаш.

2. Назарий билимларни турли мулкчилик шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд услубий кўрсатмалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар ёрдамида конкретлаштириш.

3. Корхона ва ташкилотларда мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш.

4. Ижтимоий-сиёсий ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш соҳасида керакли ўқув билимларни эгаллаш.

5. Турли мулк шаклига эга бўлган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолияти ва уларнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини таҳлил этиш услубларини ўзлаштириш.

6. Амалиёт ҳақидаги ҳисобот, битирув малакавий ишини ёзиш, иқтисодиётга оид илмий ишларни амалга ошириш учун зарурий материалларни тўплаш.

Амалиёт ўтиш даврида талабалар ишлаб чиқаришни автоматлаштириш дастурлари ва ахборот воситалари билан танишишлари зарур.

5341000 – «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (минтақалар бўйича)» таълим йўналиши бўйича битирув олди амалиёти амалиёт ўташга юбориш ҳақида аввалдан келишилган ва шартнома тузилган турли мулкчилик шаклида фаолият юритаётган илғор корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этилади. Талабанинг амалиётдаги бурчлари ва ҳуқуқлари малакавий амалиётни ташкил этиш ва уни мазмуни ҳақидаги услубий қўлланма, талаба амалиётини ўтаётган жойнинг ички тартибига оид қоидалари ва амалдаги меҳнат қонунчилиги билан белгиланади.

Амалиёт бошлангунга қадар талаба қуйидагиларни бажариши лозим:

- олий ўқув юртидан бириктирилган амалиёт раҳбари билан уни ўташ жойи ва муддатини аниқлаш;

- амалиёт бўйича умумий йўриқномалар ва барча зарурий ўқув-услубий ҳужжатларни олиш;

- битирув малакавий иши режасини тузиши ва асосий адабиётлар билан танишиб, ёзма равишда белгилаш.

Талабалар амалиёт ўташ учун Институт раҳбари томонидан имзоланган хат билан бирга айрим ташкилотларга юборилади.

Баъзи ҳолатларда кафедра мудирини билан келишилган ҳолда талаба амалиёт ўташ жойини ўзи танлаши мумкин. Бунинг учун амалиёт турини, корхонанинг номини ва касбий йўналишини кўрсатиб ариза билан кафедра мудирига мурожаат қилади (3-илова).

Амалиётни узрли сабабларга кўра бажара олмаган талабаларга ўқишдан бўш вақтларида амалиётни ўташи учун рухсат берилади ва қайта амалиётга юборилади.

Амалиётни узрсиз сабабларга кўра ўқув графиги бўйича ўтмаган ёки амалиёт ҳисоботини ҳимоя қилмаган талабалар Олий таълим низоми асосида академик қарздор сифатида Институт талабалари сафидан чиқарилиши мумкин.

Амалиётни ўтиш учун йўлланма талабанинг амалиётни ўтиш базаси кўрсатиб ёзилган аризасига мувофиқ Институт кўрсатмаларига биноан расмийлаштирилади (2-илова).

Амалиёт ўтиш даврида корхоналарда вакант иш жойлари мавжуд бўлган ҳолларда танланган касби бўйича белгиланган иш ҳақи тўлаш шартини билан талаба штатли иш ўрнига ишга қабул қилиниши мумкин.

3. БИТИРУВ ОЛДИ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Битирув олди амалиётини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун институт ҳар йили ташкилотлар, корхоналар, фирмалар билан амалиётни ўтиш вақти ва шароитлари ҳақида шартнома тузади.

Амалиётни ташкиллаштириш ва талабаларни амалиётга юбориш хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги йўналишадиги кафедраларга юклатилган. Амалиётга раҳбарлик институт ректори буйруғи билан тайинланган профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Корхона, ташкилот, фирмалар томонидан эса уларнинг раҳбарлари амалиётни ташкиллаштириш ва ўтказишга жавобгар ҳисобланади ва улар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

- талабаларни иш жойлари билан таъминлаш;
- амалиётга келган талабаларни ички тартиб-қоидалар, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ҳамда ёнғинга қарши хавфсизлик қоидалари билан таништириш;
- ўз вақтида корхона малакали мутахассисларидан амалиётга раҳбар тайинлаш;
- талабалар иш фаолиятини назорат қилиб туришни ташкиллаштириш лозим.

Институт маркетинг бўлими билан ҳамкорликда кафедралар амалиёт бошланишидан бир неча ой олдин талабалар билан мажлис ўтказди. Бу мажлисда талабалар олдида амалиётни ўтказиш бўйича вазифалар қўйилади, амалиётни ўтганлиги ҳақида ҳисобот тайёрлаш ва ёзиш бўйича ахборот берилади ҳамда талабалар амалиётини ўтадиган корхоналар ҳақида маълумот берилади.

Талабалар институт томонидан таклиф этилаётган ташкилот, корхона, фирмаларда амалиёт ўтиш истагини билдирса, улар ўз кафедраси мудирини ва декан номига амалиёт ўташ учун жой ажратишни сўраб ёзма ариза беради (3-илова).

Ташкилотлар билан тузилган шартнома асосида талаба амалиётга йўлланганда унга камида 2 кун олдин кафедра мудири томонидан имзоланган ва деканат билан келишилган йўлланма берилади. Амалиётни ўтказиш бўйича жавобгар шахс амалиёт бошланишидан камида 3 кун олдин талабаларга кафедра томонидан бириктирилган амалиёт раҳбарлари ҳақида ахборот беради ва амалиёт дастурини топширади.

Амалиёт ўташга келган талабаларда ўзлари билан дастур ва амалиёт ўтишга йўлланмадан ташқари, талабалик гувоҳномаси, паспорт ва корхонага киришга рухсатнома учун 3x4 форматли расм бўлиши лозим.

Кафедра томонидан тайинланган амалиёт раҳбари мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- талабалар ишини амалиёт дастурига мувофиқ ташкиллаштириш;
- амалиётни ташкиллаштириш ва ўтказишнинг мақсадлари ва вазифалари билан талабаларни таништириш;
- талабаларнинг амалиётни ўташ фаолиятини назорат қилиш;
- тақвимий режани тузишда ёрдам бериш (амалиёт тақвимий режаси амалиёт раҳбари томонидан тасдиқланади);
- талабалар томонидан шахсий топшириқларни бажариш даврида ҳисобот ва битирув малакавий иши учун материаллар йиғишда услубий ёрдам кўрсатиш;
- талабаларга иш материалларини сақлаш тартиби бўйича маълумотлар бериш;

- ташкилотнинг корпоратив сирини сақлаш бўйича тушунча бериш;

- амалиёт якунлагач, ҳар бир амалиёт ўтаётган талабанинг кундалиги ва танлаб олган материалларини текшириш;

- амалиёт раҳбари талабаларни амалиётга тааллуқли барча саволлари бўйича, малакавий ишини ёзиш учун йиғиладиган материаллар юзасидан йўл-йўриқлар бериш.

Корхона, ташкилот, фирмалар томонидан белгиланган амалиёт раҳбарига қуйидагилар юкланади:

- институт томонидан тайинланган амалиёт раҳбари билан ҳамкорликда амалиётни тақвим режасига мувофиқ назорат этиш (4-илова);

- ҳисобот, битирув малакавий ишини тайёрлаш учун материал йиғишда ёрдам бериш;

- амалиёт дастурини бажариш давомида юзага келган саволлар бўйича маслаҳатлар бериш;

- амалиёт ўтаётган талабалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириш ва тавсифномалар ёзиш (6-илова) ҳамда уларни ташкилот раҳбари томонидан имзоланишини ва талабаларга берилишини таъминлаш.

4. ТАЛАБАЛАРНИНГ АМАЛИЁТ ЎТИШ ДАВРИДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Талабалар амалиёт ўтиш корхонасида қўлланилаётган меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва ички тартиб қоидалари билан

амалиёт бошланишидан олдин низомга мувофиқ таништирилади ва улар бу қонун-қоидаларга тўла риоя қилишлари шарт.

Амалиёт ўтиш даврида талабалар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- амалиёт ўтиш дастури бўйича барча саволлар билан корхонадан тайинланган амалиёт раҳбарига мурожаат этиш;
- кўрсатилган тартибда бошлиқ олдида корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича ҳужжат ва ҳисоботлар билан танишиш мақсадида мурожаат этиш.

Амалиёт ўтиш даврида талаба қуйидагиларга мажбур:

- амалиёт ўтиш даврида бажарилаётган ишларни қайд этиш учун 5-иловага мувофиқ кундалик тутиш;
- амалиёт ўтиладиган корхонага кўрсатилган вақтда амалиётни ўташ учун етиб келиш;
- юқори даражада уюшқоқлик билан ишлашга, корхонада ўрнатилган ички тартиб-интизом қоидаларига қатъиян риоя қилиш;
- меҳнат ва хизмат интизомини сақлаш, техника-хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига тўла риоя қилиш;
- амалиёт дастурини виждонан, тўла ҳажмда ва кўрсатилган муҳлатда бажариш;
- корхонада белгиланган амалиёт раҳбари томонидан юклатилган топишириқлар, кўрсатма ва вазифаларни аниқ, равшан ва ўз вақтида бажариш;
- ҳисобот, битирув малакавий ишини ёзиш учун унинг моҳияти, таркибига мувофиқ керакли материалларни йиғиш.

Амалиёт ўтаб бўлинганидан кейин талаба кафедра томонидан тайинланган раҳбарга қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

- амалиёт дастурига мувофиқ амалиёт даврида бажарилган ишлар ҳисоботи (титул варақаси 7-иловада);

- корхона томонидан белгиланган раҳбарнинг амалиёт натижасига кўра талабага берган ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланган тавсифнома (6-илова);

- амалиёт ўтиш тақвим режаси (4-илова);

- амалиёт кундалиги (5-илова).

Амалиёт ўтиш даврида дастур музмуни бўйича бажарилган ишлар ва ўрганилган саволлар асосида талаба томонидан А4 форматли қоғозга 14 шрифт, 1,5 интервал, Times New Roman гарнитурасида 10-15 бет ҳажм атрофида ҳисобот тайёрланади. Ҳисоботга корхона тарафидан белгиланган амалиёт раҳбарининг ижобий тақриз берилгандан кейин амалиёт ҳисоботи ҳимояга қўйилади.

5. АМАЛИЁТ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Талаба амалиётни ўтканлиги ҳақидаги ҳужжатлар аниқ ва юқори тартибда тайёрланиши, расмийлаштирилиши ва иш папкасига йиғилган бўлиши керак. Амалиёт ҳисоботида қуйидаги масалалар ёритилиши шарт:

- амалиёт ўтиш жойи, давомийлиги;

- дастур асосида бажарилган ишларнинг мазмуни ва моҳияти, индивидуал топшириқлар ва вазифаларнинг бажарилиши, ўрганилган ҳужжатларнинг таҳлили ва йиғилган материаллар;

- амалиёт ўтиш жараёнида юзага келган саволларнинг тўла изоҳи;

- амалиёт ўтиш корхонаси фаолияти ҳақида талабанинг шахсий фикр-мулоҳазалари ва таклифлари.

Талабага корхонадан тайинланган раҳбар томонидан берилган тавсифномада ўқиш даврида олган назарий билимларини амалий иш даврида қўллай билиши, амалиёт дастурини бажарилиш ҳажми, талабанинг назарий тайёргарлигидаги камчиликлар кўрсатилиши ҳамда амалиёт ўтган талабанинг иши ҳар томонлама баҳоланиши керак (5-илова).

Талаба томонидан амалиёт ўтиш даврида корхонада олинган ҳужжатларда ўрганилаётган фанга алоқаси бўлмаган ва амалиёт дастурига кирмаган давлат, хизмат, тижорат ва шахсий сир ҳисобланган ҳамда бошқа маълумотлар бўлмаслиги лозим.

Институт томонидан тайинланган амалиёт раҳбарлари амалиёт ўтиб бўлингандан кейин тахминан 10 кун ичида деканат билан келишилган ҳолда синов шаклида ҳисобот ҳимоясининг муҳлатини белгилайди ва ташкиллаштиради. Амалиёт натижаси 100 баллик тизим асосида баҳоланади. Олинган балл синов қайдномасига ҳамда талабанинг синов дафтарчасига кўрсатилган тартибда киритилади.

Ҳимоя жараёнида амалиёт дастури бажарилишининг ҳажми, ҳужжатларни расмийлаштириш сифати ва талабга мослиги, корхона амалиёт раҳбарининг фикр-мулоҳазалари, ҳимоя жараёнида берилган саволларга жавобларнинг аниқлиги, тўғрилиги, ҳисоботга илова қилинган ҳужжатларни талаба томонидан таҳлил қила билиши ҳисобга олинади.

Талабалар амалиётини баҳолаш мезонлари:

- амалиёт дастури ва индивидуал топшириқлар ва вазифаларга мувофиқ йиғилган материалларнинг малака даражаси;

- амалиёт ўтказилган корхона фаолиятини белгилайдиган меъёрий ҳужжатларни билиши;

- бажариб турган вазифасига мос мажбуриятлари бўйича берилган саволларга касб эгаси сифатида аниқ ва равшан жавоблар бера олиши;

- амалиёт ўтган корхона томонидан берилган тавсифнома – фикр мулоҳазаларнинг мазмуни;

- амалиёт ўтиш даврида талабанинг фаоллиги ва ташаббускорлиги.

Қуйидаги ҳолларда талабага 55% паст балл қўйилади:

- талаба томонидан амалиёт режаси бажарилмаган, қўйилган мақсадга эришилмаган ва аниқ вазифа – топшириқлар ҳал этилмаган бўлса;

- корхонадан тайинланган раҳбар томонидан берилган вазифа ва топшириқлар ҳамда кўрсатмалар белгиланган муҳлатда бажарилмаган бўлса;

- кўрсатилган муҳлатда ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилиб топширилмаган бўлса;

- амалиёт ўташ жойида корхона ички меҳнат тартиби қоидалари қўпол равишда бузилган бўлса;

- талаба иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш услублари, кўрсаткич манбари билан ишлаш малакаси ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлмаса;

- ҳисобот матнида изоҳланган назарий ва амалий тавсифдаги саволларга жавоб бера олмаган ҳолатда.

Амалиётда олинган баҳо назарий ўқиш бўйича баҳоларга тенглаштирилади ва талабанинг умумий ўзлаштириш натижаларида ҳисобланади.

Битирув олди амалиёти башланишидан олдин талаба битирув малакавий ишининг мавзусини танлаши ва ахборот манбалари тўғрисида тўла маълумотга эга бўлиши керак. Шу ҳолдагина амалиётни ўташ даврида талаба мувзуга доир материалларни йиғиш имконига эга бўлади. Талаба амалиёт ўтаётган корxonанинг ҳисоботларини таҳлил қилиш услубини англаб олмоғи зарур.

(Ҳисоботни расмийлаштириш ва ҳимоя этиш тартиби умумий тарзда келтирилган).

**Талабаларга битирув олди малакавий амалиётини ўташ
бўйича индивидуал топшириқлар ва вазифалар**

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.
- 6.
- 7.
- 8.
- 9.
- 10.
- 11.
- 12.
- 13.
- 14.
- 15.
- 16.
- 17.
- 18.
- 19.
- 20.
- 21.
- 22.

2-илова

“_____” кафедраси

мудирини _____ га

“Хорижий мамлакатлар

иқтисодиёти ва

мамлакатшунослик” факультете-

ти _____ курс талабаси

_____дан

Ариза

Менга “_____” дан “_____” 200__ йилгача битирув олди
малакавий амалиётини ўтиш учун _____ (корхона
номи) корхонасида жой ажратишингизни сўрайман.

Ихтисослик _____

Яшаш жойим манзили _____

Боғланиш учун телефон, факс _____

Сана _____

Имзо _____

3-илова

“_____” кафедраси
мудири _____ га
“Хорижий мамлакатлар
иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик” факультети
_____(курс) талабаси _____
_____дан

Ариза

Менга битирув олди малакавий амалиётини 200__ йил
“_____” дан “_____” гача _____(корхона номи)
корхонасида ўтишга рухсат беришингизни сўрайман.

Ихтисослик _____

Яшаш жойим манзили _____

Боғланиш учун телефон, факс _____

Сана _____

Имзо _____

4-илова

___курс талабаси_____ (Ф.И.Ш.)

томонидан битирув олди малакавий амалиётини ўташ

ТАҚВИМ РЕЖАСИ

Тартиб рақами	Бажарилган ишлар ва индивидуал топшириқлар, вазифалар номи	Иш ва топшириқларнинг бажарилиш муҳлати

Амалиётга институтдан белгиланган раҳбар_____ (Ф.И.Ш.)

_____ ИМЗОСИ

Тавсифнома

Маълум қиламизки, Тошкент давлат шарқшунослик
институти “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик” факультети __курс талабаси

_____ (Ф.И.Ш.) 200__ йилнинг

“ ” _____ дан “ ” _____ гача

_____ (корхона номи) корхонасида

ихтисослиги бўйича амалиёт ўтди. Амалиёт институт

томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида

ташқиллаштирилди.

Талаба _____ амалиётни

ўтиш жараёнида етарли даражада назарий тайёргарликка эга

эканлигини намоён қилди. Институтда ўқиш давомида олган

назарий билимларидан олдиға кўйилган амалий вазифаларни

ечишда фойладана олишини ва кўллаш билишини кўрсатди.

Талаба томонидан амалиёт тўла бажарилди.

Корхона раҳбари _____

_____ ИМЗО

Мухр

(Титул varaқаси намунаси)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

“МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти ва

мамлакатшунослиги” кафедраси

Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик факультети 4 курс талабаси
_____нинг битирув олди малакавий
амалиётини ўташ бўйича

ҲИСОБОТИ

Амалиёт ўтилган жой _____

Амалиёт “ _____ ” 200__ йилдан “ _____ ” 200__

йилгача ўтилди

Ҳисоботни топшириш санаси _____

Амалиёт раҳбари _____

(Ф.И.Ш.)

(имзо)